

Ҳасаблар ила фахрланиш



10:16 / 16 май 661

Жоҳилиятнинг энг кўзга кўринган ишларидан бири мана шу – аждодларнинг обрў-эътибори, нуфузи билан мақтанишдир. Ислом дини келишидан олдинги араб жоҳилиятида ҳам отам у қилган, бобом бу қилган, деб фахрланиш, ўзини бошқалардан устун қўйиш бор эди. Бу мутлақо нотўғри ишдир. Ўтиб кетган кишилар яхши иш қилишган бўлса, ўзлари учун қилганлар. Аммо нима учун улардан кейин қолганлар ўзлари бир иш қilmай, ҳасаблари билан фахрланадилар, бошқалардан устунман, деб гердаядилар? Ҳозирда улардан кўра яхши амаллар қилиб турганларни камситадилар? Одамлар орасида турли келишмовчиликларни келтириб чиқарадилар? Исломдан олдин бу ишни қилганларнинг маълум даражада узрлари бўлиши мумкин. Аммо мусулмон бўла туриб, бу ишни қиладиганларга нима дейиш мумкин? Уларнинг гуноҳлари жоҳилларнинг гуноҳларидан ҳам каттароқ бўлмайдими?

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 7-жузи асосида тайёрланди